

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
КЕНГАШИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ
КЕНГАШИНИНГ
ҚЎШМА ҚАРОРИ

**АХБОРОТ СОҲАСИНИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**



LexUZ шарҳи

Мазкур Қўшма қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 26 декабрдаги 679-IV ва КҚ-170-IV-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қўшма қарорига асосан ўзгартиришлар киритилган.

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини, давлат органлари фаолияти очик-ошкоралигини, аҳоли учун уларнинг очиклигини, фуқаролар манфаатларига дахл қиладиган энг муҳим қарорлар қабул қилишда улар иштирокини ва фикрлари ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни бошқариш тизими тубдан қайта шакллантирилди, мамлакатни модернизациялашда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш, журналистлар мустақиллигини, фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек жамият ва давлатнинг барча соҳаларига ахборот-коммуникация ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, мамлакат медиа-бозорини жадал ривожлантиришга, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўз фаолияти очиклигини, виртуал муҳитда иштирокини таъминлашга, миллий ахборот индустрияси ва инфратузилмаси, ахборот ресурслари ва технологияларини ривожлантиришга, шунингдек глобал ахборот маконини шакллантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга етарлича эътибор берилмапти.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, республика ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш соҳасида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига эришиши зарур.

Ахборот соҳасига оид долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда жамоат ташкилотлари аҳамиятини ошириш, давлат органлари ва оммавий коммуникациялар субъектлари ўртасида мулоқот яратиш, шунингдек ахборот соҳасини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қиладилар:

1. Оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, фан ва маданият вакилларининг, мустақил экспертлар ҳамда мутахассисларнинг, шунингдек фуқаролар жамияти бошқа институтлари вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши (бундан буён матнда Жамоатчилик кенгаши деб юритилади) тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
очик ахборот маконини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштирадиган замонавий, демократик ва шаффоф майдон сифатида давлат ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг самарали мулоқотини таъминлаш;

оммавий коммуникацияларни ривожлантириш ва ахборот соҳасини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлашга, аҳолининг ахборот маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;

очик ахборот маконини яратиш, шу жумладан халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси эгаллаган ўрнини изчил яхшилаш ва мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги индекслари юқори даражада бўлган илғор мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш дастурлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

очик ахборот маконини яратишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари жорий ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек уларни такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш;

ахборот ресурсларини мазмунан бойитиб бориш, уларнинг бадиий даражасини ошириш, ақлий ва тарбиявий хусусиятга эга материаллар киритилишини рағбатлантириш, шу жумладан миллий кадриятларни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш мақсадида ахборот ресурслари контентини таҳлил қилиш;

кўнгиллилар фаолиятини таклиф қилиш ва уни ахборот соҳасига жалб қилиш, шунингдек ахборот соҳаси субъектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларга ҳуқуқий жиҳатдан ва маслаҳатлар билан, шунингдек ташкилий, техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашининг таркиби **2-иловага** тасдиқлансин.

4. Жамоатчилик кенгашига юкланган вазифаларни бажариш, шунингдек унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида нодавлат ноижорат ташкилоти шаклида Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ ташкил этилиши маъқуллансин ҳамда у Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи сифатида белгилансин.

5. Ушбу Қўшма қарор у қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
2737-III/КҚ-593-III-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2737-III/КҚ-593-III-сонли Қўшма қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши (бундан буён матнда — Жамоатчилик кенгаши) ахборот соҳасини, оммавий коммуникациялар воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилиши устидан мониторингни ва таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқаролик институтларининг ролини кучайтириш мақсадида тузилмоқда.

2. Жамоатчилик кенгаши амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ ўз фаолиятини Парламент комиссияси ҳуқуқлари асосида амалга оширади.

II. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ва ваколатлари

3. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

очик ахборот маконини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштирадиган замонавий, демократик ва шаффоф майдон сифатида давлат ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг самарали мулоқотини таъминлаш;

оммавий коммуникацияларни ривожлантириш ва ахборот соҳасини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлашга, аҳолининг ахборот маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;

очик ахборот маконини яратиш, шу жумладан халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси эгаллаган ўрнини изчил яхшилаш ва мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги индекслари юқори даражада бўлган илғор мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш дастурлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

очик ахборот маконини яратишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари жорий ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек уларни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш;

ахборот ресурсларини мазмунан бойитиб бориш, уларнинг бадиий даражасини ошириш, ақлий ва тарбиявий хусусиятга эга материаллар киритилишини рағбатлантириш, шу жумладан миллий кадриятларни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш мақсадида ахборот ресурслари контентини таҳлил қилиш;

кўнгиллилар фаолиятини таклиф қилиш ва уни ахборот соҳасига жалб қилиш, шунингдек ахборот соҳаси субъектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларга ҳуқуқий жиҳатдан ва маслаҳатлар билан, шунингдек ташкилий, техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш.

4. Жамоатчилик кенгаши:

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоат муҳокамасини, жамоат экспертизасини ташкил этишда иштирок этади, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тизимли ишлар олиб боради;

ахборот маконини шакллантириш ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш масалалари бўйича тавсиялар киритади;

ахборот маконини шакллантириш ҳолати ва истиқболлари ҳақида йиллик маърузалар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини, «электрон парламентга» тайёрликни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини изчил яхшилаб бориш бўйича тавсиялар ва хулосалар тайёрлайди;

оммавий коммуникациялар соҳаси субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳим фаолиятни муваффақиятли олиб борганлиги учун мазкур соҳа вакиллари учун йиллик мукофотлашни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

молиявий маблағларни жамлаш ва тақсимлаш, шу жумладан грантлар, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар тақдим этиш орқали ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар

масалаларни ҳал этишда оммавий коммуникациялар соҳаси субъектлари иштирокини фаоллаштиришга кўмаклашади;

кўнгиллилар фаолиятини таклиф қилиш ва уни ахборот соҳасига жалб қилиш, шунингдек ахборот соҳаси субъектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга кўмаклашади, уларга ҳуқуқий жиҳатдан ва маслаҳатлар билан, шунингдек ташкилий, техник ва бошқа ёрдам кўрсатади;

мамлакатни модернизациялашда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш, журналистлар мустақиллигини таъминлаш, ахборот маконини шакллантиришда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек жамият ва давлатнинг барча соҳаларига ахборот-коммуникация ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши кўриб чиқиши учун киритади;

ахборот соҳасида оммавий коммуникацияларни ривожлантиришда экспертлар фаолиятини ташкил этади;

ахборот соҳасидаги мамлакат қонун ҳужжатларининг ва халқаро шартномаларнинг қоидалари, виртуал муҳитда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолатини яхшилаш, ахборот соҳасида ва оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишда иштирок этади.

5. Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига бажарилган ишлар тўғрисида ҳар йили ахборот тақдим этади.

III. Жамоатчилик кенгаши тузилмаси ва фаолиятини бошқариш

6. Жамоатчилик кенгаши раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгаши Қўшма қарори билан тасдиқланадиган комиссия аъзоларидан ташкил топади. Жамоатчилик кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, оммавий коммуникациялар соҳаси субъектлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, фан ва маданият вакиллари, мустақил экспертлар ва мутахассислар, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киради.

7. Жамоатчилик кенгаши раиси:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади;

Жамоатчилик кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

Жамоатчилик кенгаши иш режаси лойиҳаси тайёрланишини ташкил этади ва Жамоатчилик кенгаши ишининг тасдиқланган режаси бажарилишини назорат қилади;

Жамоатчилик кенгаши қарорларини имзолайди ва уларни ижро этиш бўйича ишларни ташкил этади.

8. Раис ўринбосари Жамоатчилик кенгаши раиси йўқлигида унинг вазифаларини бажаради, Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланадиган бошқа функцияларни бажаради.

9. Жамоатчилик кенгашининг масъул котиби Жамоатчилик кенгаши мажлисларини ташкил этиш, уларни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бажаради, Жамоатчилик кенгаши мажлислари баённомаларини юритади, Жамоатчилик кенгаши томонидан белгилаб бериладиган бошқа функцияларни бажаради.

10. Жамоатчилик кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши Қўшма қарори билан ўзгартирилади.

Жамоатчилик кенгаши раисини, раиси ўринбосарларини, масъул котибини, айрим аъзоларини Жамоатчилик кенгаши аъзолари умумий сонининг учдан икки қисми талаби билан муддатидан олдин озод этиш масаласини Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашига ва Сенати Кенгашига киритиши мумкин.

11. Жамоатчилик кенгаши раиси, раиси ўринбосарлари, масъул котиби ва аъзолари жамоатчилик асосида ўз вазифаларини бажаради.

12. Жамоатчилик кенгаши қўйилган мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун ишчи гуруҳлар ва экспертлар гуруҳларини тузиши мумкин. Мазкур гуруҳлар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият олиб боради. Йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар ва экспертлар гуруҳларини тузишда ишга жалб қилинадиган экспертларнинг касбий ва ҳаётий тажрибаси ҳисобга олинади.

IV. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш

13. Жамоатчилик кенгаши мажлислари заруратга қараб, бироқ чоракда камида бир марта ўтказилади.

Жамоатчилик кенгаши мажлислари Жамоатчилик кенгаши раиси ёки раиси ўринбосари томонидан чақирилади. У Жамоатчилик кенгаши аъзоларини қоидага кўра камида икки кун олдин хабардор қилади.

Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартибига масалалар Жамоатчилик кенгаши раиси, раиси ўринбосари, масъул котиби ва аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

Жамоатчилик кенгаши мажлислари, агар уларда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида ярми иштирок этса, ваколатлидир.

Жамоатчилик кенгаши мажлисларини Жамоатчилик кенгаши раиси ёки унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгаши мажлислари очик ўтказилади. Зарурат бўлса, Жамоатчилик кенгаши ёпик мажлис ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

14. Жамоатчилик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси Жамоатчилик кенгаши раиси, унинг ўринбосари ташаббуси билан, шунингдек камида ўн нафар аъзосининг ёзма талаби билан чақирилади.

15. Жамоатчилик кенгаши аъзолари унинг мажлисларида иштирок этиши шарт. Жамоатчилик кенгаши мажлисида иштирок этиш имконияти йўқлиги ҳақида унинг аъзолари раисни ёки унинг ўринбосарини олдиндан ёзма хабардор қилади.

16. Жамоатчилик кенгашининг барча аъзолари тенг ҳуқуқларга эга, Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

17. Жамоатчилик кенгашининг қарори унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида баённома юритилиб, у раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

18. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, илмий муассасалар вакиллари, мутахассис ва олимлар, матбуот органлари, телевидение, радио ва бошқа оммавий коммуникациялар воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

V. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи

19. Жамоатчилик кенгашига юкланган вазифалар Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи бўлган Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ фаолияти орқали амалда бажарилади.

20. Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилади ва Жамоатчилик кенгашига юкланган вазифаларнинг амалда бажарилишига кўмаклашади.

21. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ раҳбари ва ходимлари томонидан ижро этилиши шарт.

VI. Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби

22. Ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Қўшма қарори билан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашининг таркиби

1. **Абдуллаев** Илҳом Зайирович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси
2. **Низамходжаев** Зайниддин Маҳаматович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари
3. **Рафиқов** Қудратилла Мирсагатович — Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари
4. **Мирзаалиев** Иқболжон Мирзакаримович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси
5. **Саидов** Акмал Холматович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси
6. **Мақсудов** Муҳаммаджон — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари
7. **Халбутаев** Эркин Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари
8. **Зиё** Азамат Ҳамид ўғли — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси
9. **Кушербаев** Расул Хидралиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси
10. **Сидикова** Энахон Абдурахимовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси
11. **Алламжонов** Комил Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори вазифасини бажарувчи
12. **Ходжиматов** Минхажидин Мирзажанович — Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари
13. **Ҳакимов** Саъдулла — Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси
14. **Саъдуллаев** Алишер Зафар ўғли — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси
15. *Лавозим бўйича* — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
16. **Абдухоликов** Фирдавс Фридунович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси

17. **Маъруфова** Гулнора Махмудовна — Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари
18. **Каланов** Рустам Абдухакимович — Тошкент шаҳридаги «Нуроний» жамғармаси раиси
19. **Хикматов** Хайрулла Хикматович — Тошкент шаҳри Олмазор тумани «Ачиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳаллий Кенгаш депутати
20. **Ризаев** Шухратилла Турсунович — «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори ўринбосари
21. **Бурханов** Акмал Эшондедаевич — «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати раиси
22. **Меҳмонов** Абдисамад Абдусаликович — «Менинг юртим» телеканали директори ўринбосари
23. **Аъзамов** Қуддус Аъзамович — «O'zbekiston» телерадиоканали бош муҳаррири
24. **Холикназаров** Нуриддин Мирзахамдамович — Тошкент шаҳри бош имом-хатиби
25. **Тухватулина** Эльмира Акрамовна — «Dunyo bo'ylab» телеканали директори ўринбосари
26. **Шермухамедов** Умид Хатамович — «Kun.uz» Интернет-ОАВ бош муҳаррири
27. **Атаджанов** Азамат Юсупбаевич — «Gazeta.uz» Интернет-ОАВ бош муҳаррири
28. **Худайбердиев** Хушнуд Гайратович — блогер, «Xushnudbek.uz» канали маъмури
29. **Николенко** Лилия — блогер, «Potrebitel.uz» гуруҳи маъмури
30. **Абдусатторов** Бахтиёр Абдусаматович — «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири
31. **Меликулов** Жуманазар Хаитович — Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) бош директори ўринбосари